



# КУЧ-АДОЛАТДА

2011 йил,  
4 август,  
пайшанба  
№ 31 (337)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.supcourt.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.



## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

«У меҳрим қибласи — жонга яқиндур». Бу мисра ҳазрат Алишер Навоий қаламига мансуб. Буюк мутафаккир ушбу сатри орқали ер юзининг сайқали — Самарқанд шаҳрига меҳру муҳаббатини билдириш билан бирга бу масканнинг нечоғлик табарруқ, салоҳиятли эканлигини ҳам эътироф этган.



Маълумки, жамият тараққиётининг изчил ривож бугунги кунда парламент олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда.

*Nuquiy ma'rifat*

### Таъсирчан

### парламент назорати уни таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масаласи




Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида айнан парламент назоратини ташкил этиш бўйича янги ғоялар илгари сурилди. Шундан келиб чиқиб айни пайтда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизimini шакллантиришга оид чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

## ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ

*бу шаҳар бугун ўзгача файзу шукуҳ ва чирой касб этаётмир*



Дарҳақиқат, бу ўлка ўша пайтда илму маърифатда яловбардор бўлган. Самарқанд айнан ана шу жиҳати билан шеърят мулкисининг султони эътиборини қозонган бўлса, ажабмас. Алишер Навоий бу шаҳарга катта иштиёқ ва ҳавас билан келди, устозни Абу Лайсан бир муддат вақт сабоқ олди, ижод қилади. Фикримизнинг исботи учун X асрда яшаган араб сайёҳи Абулқосим ибн Ҳавқалнинг «Самарқанд Мовароуннаҳрининг олиму фузало, адиблари йиғилган шаҳар бўлиб, уларнинг энг машҳури Самарқандда таълим ва тарбия олиб камолотга эришганлар», деган сўзларини эслашнинг ўзи kifof.

Дарвоқе, шаҳарга Амир Темури орденини топириш маросимида Президентимиз 18 октябрни Самарқанд шаҳри кунини, деб нишонлаш таклифини билдирди ва бу қутлуг масканга қуйдаги таъриф берди: «Самарқанд — ўтмиш шарафли, бугун саодатли, келажак абдий шаҳардир». Бундай эътибор самарқандликлар зиммасига яна катта масъулият қўшди. Шу сабабли мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида кўчма ва навқирон шаҳар аҳли қалбида ўзгача шижоат, фخر ва ғурур жўш умроқда.

Ипак йўли» халқаро сайёҳлик компаниясининг Самарқандда ваколатхонаси иш бошлади. Ҳар икки йилда бу азим шаҳарда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинади. Бундай нуфузли тадбирнинг Самарқандда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки бу диёр азиздан нафақат маърифат, балки маданият бешиги ҳамдир. Асрлар оша инсониятнинг ўзига ром этиб келаятган шаҳар меъморчилиги, санъатсевар халқи ҳам шуни тасдиқлайди. Шу боис ҳам бу қадимий ва бетакрор шаҳарда ўтказилган фестивалга халқаро миқёсда катта қизиқиш билан қаралмоқда. Яқинда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» фестивалида етмишдан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этишни билдираётгани ҳам бу фикрнинг исботидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида Самарқанд аҳлининг бунёдкорлик, яратувчилик салоҳияти яққол кўзга ташланди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Маълумки, яқинда Олий суд Пленумининг айрим қарорлари янги таҳрирдан қабул қилинди. Жумладан, «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги ҳамда «Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида»ги қарорлар қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда янги таҳрирдан қабул қилинди.

*Dolzarb mavzu*

### Мерос ҳуқуқи

*бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди*

Ҳўш, янги таҳрирдаги Пленум қарорларининг қандай ўзига хос жиҳатлари бор? Мухбиримиз кўпчилик газетхонларни қизиқтирадиган ушбу масала бўйича Олий суд судьяси **Ўткир ХОЛОВ** билан суҳбатлашди.

— **Ўткир Шомуродович, айтиш-чи, шу пайтга қадар амалда бўлган «Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги Пленум қарорини янги таҳрирдан қабул қилишга нима сабаб бўлди?**

— Янги таҳрирдан қабул қилинган Пленум қарорлари амалдаги қонунларни тўғри татиб этиш, ягона суд амалиётини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, жамиятимизда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, Олий суд Пленуми томонидан янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексини амалиётда қўллаш борасида келиб чиққан масалаларни ҳал этиш, судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунларнинг бир

хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида 2000 йил 22 декабрда «Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарор қабул қилинган эди.

Маъқур Пленум қарори судлар томонидан мерос билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар ва келиб чиққан тушунмовчиликлар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, судларнинг мерос билан боғлиқ низоларни ҳал этишда қонун меъёрларини тўғри қўллашда муҳим омил бўлиб келаятган эди.

2010 йилда Фуқаролик кодексига мерос ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солишга меъёрларга қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши юқорида кўрсатиб ўтилган Пленум қарорини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Шу сабабли мерос ҳуқуқига оид боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги таҳрирдаги қарор қабул қилиш зарурийлиги пайдо бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

*Qonun ko'magi*

## Изчил тараққиётнинг ишончли кафолати

Мамакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустахкам бўлиб боришига эришилаётмир.

Кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳа ривож учун қулай тадбиркорлик муҳити яратилиши ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинди.

(Давоми иккинчи бетда)



*Islahot va samara*

## Инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида

Маълумки, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир демократик давлат фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Шу боис ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида эътироф этилган. Ушбу эзу мақсадни рўйбога чиқаришда нотариал идораларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Қонунга қўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлаш нотариусларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Мустақил йилларида бошқа соҳалар сингари суд-ҳуқуқ тизими ҳам тубдан ислоҳ қилинди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилди. Шу мақсадда нотариат институти ҳам янгиланди, хусусан, соҳанинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

(Давоми учинчи бетда)

*Mezon*

### Суд буйруғи

### қулайлик ва имкониятнинг амалдаги самараси

Мамлакатимизда изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаятган суд-ҳуқуқ ислохотлари судларнинг том маънодаги мустақиллиги таъминланишига замин яратди. Муҳими, бу тизим инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора сифатида шаклланди. Фуқароларнинг соҳага ишончи тобора ортаётгани ҳам шуни тасдиқлайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролик судлари томонидан фуқаролик ишларини адолатли юриштиш, ишларни кўриш тизимининг соддалаштирилгани қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботи мустахамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни ва фуқароларнинг ҳуқуқларини мустахкам ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги суд буйруғи институтининг киритилгани бунга кенг йўл очди. Утган вақт мобайнида ушбу институт ўзининг ҳаётлигини, самарадорлигини тўлиқ исботлади. Бу борада «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг

**238<sup>-</sup>моддасига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилингани суд буйруғи тартибида иш юриштиш доирасини янада кенгайтирди.

Буйруқ тартибида иш юриштишда йўл қўйилаятган камчиликларни бартараф этиш ҳамда қонунчиликка оғишмай rioя қилинишини таъминлаш мақсадида Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралда «**Буйруқ тартибида иш юриштиш тартибга солиш**» қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

(Давоми иккинчи бетда)

*Fuqarolik qonunchiligi*

## Акциядорлик жамиятлари

### иктисодий тараққиётда муҳим ўрин тутуди

Маълумки, мустақил йилларида юртимизда мулкчилик муносабатларининг ривожланишига кенг имконият яратилди. Бунда, энг аввало, Конституциямизда мулк ҳуқуқининг кафолатланиши, бошқа ҳуқуқлар билан баробар муҳофаза этилиши, бир сўз билан айтганда, дахлсизлиги таъминланиши белгилангани муҳим омил бўлди.

Таъкидлаш керакки, республикамизда акциядорлик жамиятлари ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш борасида ҳам мустахкам ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги сингари қонунлар бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

(Давоми иккинчи бетда)





